

Ҳалим КАРИМ

ЮРАК БИЛАН СЎЗЛАШУВ

Тошкент
“Akademnashr”
2010

Қўлингиздаги манзумага шоир ҳалим каримнинг турли йилларда ёзган шеърлари киритилган. Бу шеърларда уйғоқ юрак зарбларини, ошиқ кўнгил “оҳ”ларини, бефарқлик бандларидан озод фуқаронинг муносабатларини тинглайсиз. Бадиий чизгиларнинг ёрқин рангларини кузатасиз.

Китоб шеърят ихлосмандлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-373-21-1

© *Ҳ.Карим “Юрак билан сўзлашув”*.
“Akademnashr” нашриёти, 2010й.

Дўст-ёрларга бағишлайман

* * *

Ростакам шоирдай мен ҳам тунлари,
Сатрлар устида тўкаман терлар.
Юрак тасаллига кўнмас кунлари,
Ўз-ўзимга мен ҳам ўқийман шеърлар.

Ғавғоли тонгларни мен ҳам севаман,
Сокин тунлар аммо яқин кўнглимга.
Туйғумни қоғозга тўкиб сезаман,
Бахтлиси йўқ мендан бутун оламда.

Қора ўйлар ғашлаб ичимни гоҳо,
Бу инжиқ қисматга айтаман лаънат.
Ширин азобларни этгани ато,
Табиат ўзгани топмадинг наҳот?!

Жўралар сизлардек жоним хўп ширин,
Менга ҳам тириклик ғами ёт эмас.
Ахир ҳалқим бир кун шоири қолиб,
Пул топар йигитга қўймади ҳавас.

Назмимда айтаман гапнинг нақдини,
Буюк келажакка ташнаман, зорман.
Сиз эса ёшликнинг суринг гаштини,
Келган ғам-аламга мана, мен борман.

ВАТАННИ АНГЛАГАН ДАМЛАР

Ширин оромларим қарғасалар ҳам,
Мен сиздан розиман бедор тунларим.
Ойдин кечаларнинг қўйнида ахир,
Қоғозларга сингди унсиз унларим.

Мен сиздан розиман осуда дамлар,
Сукунат қаърида ҳайқирди қалбим.
Сокинлик бағрида илк бора ахир,
Шууримга сингди Ватаним, Халқим!

ЮРАК БИЛАН СЎЗЛАШУВ

Юрак! Сен-чун яшайман энди,
Азоблардан этаман ҳалос.
Виждон билан ўраб тегрангни,
Қадам босгум уришингга мос.

Енгди мени таъмали кўзлар,
Ва тириклик ишига ботдим.
Қилмишимдан қон бўлди юзинг,
/урур деган тухфангни сотдим.

Сен йиғладинг қадрингга ўзинг,
Мен ёлғонни қилганда макон.
Хушомадга айланса сўзим,
Тепиб қўйдинг топганда имкон.

Чарм ғилоф эшик пойида,
Йўлларимни тўсган сен эдинг.
Таъзим қилиб чиққанда ундан,
Туни билан сўккан сен эдинг.

Бир кун қалам олдим қўлимга,
Эзгуликдан айтмоқ бўлдим роз,
Алам билан додладинг шунда:
«Ёзсанг агар тоза қўл-ла ёз»!

Номусга кўп кетдим чап бериб,
Луғатимдан ўчди Диёнат.
Ўз-ўзимни ташлаб ҳам қочдим,
Қочолмадим бир сендан фақат.

Мана бугун тонгнинг насими
Иккимизни қилди юзма-юз.
Бир-бировга қаролмадик биз,
Қайрилдингу... кетдик изма-из.

Ишон сен-чун яшайман энди,
Майли туйкус бериб тур дарак.
Бузилганда имон сарҳади,
Зарбинг билан тепиб қўй, Юрак!

ЙИЛЛАРИМ (Маҳзун қўшиқ)

Лойли томлар узра унди лолалар,
Лолаларни кучиб чопди болалар.
Келинчаклар илк бор айтди аллалар,
Лола бўлиб ёдга тушар йилларим,
Йилларим, йилларим, армон йилларим.

Лойли томдан қоғоз варраклар учди,
Варраклардан баланд орзулар учди.
Онагинам ногоҳ хаёлга кўчди,
Онам бўлиб ёдга тушар йилларим,
Йилларим, йилларим, армон йилларим.

Узун тунлар ғаму аламим ютди,
Аламлардан қочдим, ўғайлар кутди.
Ўзим билдим нелар ўзимдан ўтди,
Етим бўлиб ёдга тушар йилларим,
Йилларим, йилларим, армон йилларим.

Майин шаббодани кўнгиллар туйди,
Кўнгил ўзни кўйиб бир қизни суйди,
Кўнгил йўқдир, уни азизлар сўйди,
Севгим бўлиб ёдга тушар йилларим,
Йилларим, йилларим, армон йилларим.

Юрагимни бағирга кўпганман десам,
Ўлганману кўмилмаганман десам,
Ўтларга ўзимни солгайман десам,
Болам бўлиб ёдга тушар йилларим,
Йилларим, йилларим, армон йилларим.

Йилларимга гарчи гиналар ёрдир,
Гарчи дунёдан ҳам кетмоқ душвордир.
Ҳали айтолмаган қўшиғим бордир,
Умидимга тўлиб ўтар йилларим,
Йилларим, йилларим, армон йилларим.

ИЛҲОМ

Додламоқ бўласан ёзмоқ дардидан,
Ёрилмоқни истаб қоласан лекин.
Ўзни сўкасану нолиб қисматдан,
Хонтахта ёнига чўкасан секин.

Чумоли қадами елкангни эзар,
Қулоқни тешгудай бўлар сукунат.
Майин шаббодадан парда ҳилпирар,
Аста ўқилади ҳислар ёзган хат.

Вужудингни эзган бебошвоқ ўйлар,
Бўйсунади бирдан сирли овозга,
Қаламга ёпишар титраган қўллар,
Ҳисларинг тўкила бошлар қоғозга.

...Ҳаётни севасан, ўзни суясан,
Пешонангда қотар совиган теринг.
Кимсасиз кўчада сархуш чопасан,
Бағрингда қувончинг — чақалоқ шеъринг.

МЕНИНГ КУНИМ

Субҳидамнинг еллари билан,
Уйғонади ташвишларим ҳам.
Ишхона-ю қоғозлар юки,
Зилдай эза бошлайди елкам.

Ним қоронғу, тор йўлакларда,
Ишшайганча бераман салом.
Бошлиқларнинг кўнглини олиб,
Ғийбатларда этаман давом.

Икки қути сигарет билан,
Кун ҳам эснаб тугай бошлайди.
Автобуслар кетидан чопиб,
Оёқ уйга қадам ташлайди.

Уйда эса «Ахборот»гача
Тенг иккига бўлинар кўнглим.
Мўмин ўғил, қобил эр бўлиб,
Тирикчилик қилади руҳим.

Қаро тунда юлдузлар ёруғ,
Сокинликдан беради дарак.
Ўзим билан қолиб, ниҳоят,
Маҳзун шеърлар битади юрак.

* * *

Кўнгил ҳаловат истайди бирам,
Ҳануз ўз ҳолига уни қўймайсан.
Сочларимга ахир оқлар инса ҳам,
Нечун тарк этмайсан, нечук қийнайсан?

Кўнгил ҳаловат истайди бирам,
Қўй энди ситамни, қўйгил мендан кеч.
Эй, менинг сарғайган сўлгин хотирам,
Нечун бедор тунни қиладирсан эш?

Умидим узилган сўнгги даракдан,
Армонлар дилимга ётган қатма-қат.
Ҳижрондан қонталаш бўлган юракдан
Қайга юлиб ташлай сени муҳаббат?...

СЕВГИ ТАРИХИ

У ҳар кун шу йўлдан ўтади,
Қадрдон эшикдан кўз олмай.
У ҳар кун шу йўлдан ўтади,
Қўнғироқ тугмасин босолмай.

Дарпарда ҳилпирар ўтганда,
Насимини сезмайди қурғур.
Қадамлар олислаб кетганда,
Кўзлар қолар аламли, дилгир.

Ҳижрон қучиб йиллар ҳам ўтди.
Кўзлар толди йўл қараб муштоқ.
Дарпардалар сарғайиб кетди,
Ишламасдан қолди қўнғироқ.

Одатий кун, оддий бир оқшом,
Ланг очилди таниш дарвоза.
Сабр уйин тўлганин тамом,
Карнай-сурнай қилди овоза.

Дўмбиранинг ошкора доди,
Тушкун қалбга бир журъат солди.
Машиналар кетидан чопиб,
Ёшларига суяниб қолди.

Масъум қизлар айтдилар ёр-ёр,
Келинчакни гўшанга ютди
Шундай қилиб, минг биринчи бор,
Бир севгининг тарихи битди...

Шавкат Раҳмон хотирасига

Дардингни менга бер, менга бер элим,
Кўҳна тананг узра малҳам бўлайин.
Қайғунгни симириб ёришсин дилим,
Осмонингда балқиган ойдай тўлайин.

Ғамингни менга бер, менга бер элим,
Майлига сочларим оқараверсин.
Сени деб майлига букчайса белим,
Бағрингда истиқлол яшараверсин.

Элим менга бергин алам-армонни,
Йўлингда бўлмасин заррача ғубор.
Фароғат қопласин туркий дунёни,
Менга қолаверсин неки азоб бор.

Ҳайратни яширинг, сўрмангиз савол,
Бир кучки, юзимни уфққа қаратди.
Улуснинг дардини ўзга олмасам,
Тангрим мени нечун шоир яратди.

Кетсам кетар эдим сокинлик томон –
Сулаймон тоғининг этакларига.
Қўйиб юбормади пойтахти армон,
Ишондим озодлик эртакларига.

Ҳали ҳам минг раҳмат, ёки минг узр,
Дунёнгиздан мен ҳам узмадим кўнгил.
Кўпроқ яшаб кўйдим, қилдим кўп ҳузур,
Асрларга етгулик қирқ олти йил!

* * *

Шоир Исмоил Тўлакка

Кўзларингдан муаллақ ҳайрат,
Юрагингдан балқийди меҳр.
Ҳавасни қув, хаёлни қув,
Қўйгил укам, менда йўқ сеҳр.

Саждагоҳим-онам табиат,
Бахш айлади улкан жуссани.
Бу жуссага жо этди фақат.
Қизгинамдай майин ҳисларим.

Чинор каби улкан гавдада,
Нозик қалби оғир асрамоқ.
Бекоргамас, қирққа ҳам етмай,
Кўнглим каби сочларим оппоқ.

Озорланиб лоқайд дунёдан,
Баъзан қўл ҳам силтгим келади.
Сатрларга кўчса-чи, руҳим,
Кенгликларга учгим келади.

Ҳақиқатлар мен учун Ватан,
Юртим, сени шеър қилмоқ бурчим.
Курашларга киргаймиз эртан,
Нозик қалбни асрамоқ учун.

* * *

Юртга ёкқан олди қор билан,
Устимга қуйилур оппоқ туйғулар.
Эй кўнгил, хотирадан сўрангил, тилан,
Яна жаранг берсин ўша кулгулар.

Шу оппоқ қорлардан тилангин юрак,
Хув, ўша кўкламнинг нафаси берсин.
Сўнгги бор келсин – ей бир дарак,
Висолку энди йўқ, ҳидини берсин.

Қўйилган қонларим қилсин ғалаён,
Томиримда гупирсин тағин шиддати.
Мен ахир тирикман, танда бор-ку жон!
Ишқ билан узаяр умр муддати.

Оппоқ йўлакларда излар қолдирдим,
Армонлар бугун ҳам ёнма – ён қолдирдим.
Кзҳна туйғуларга қалбни қондирдим,
Эриётган қорлар бўлдилар гувоҳ....

* * *

Жуда ғариб юртимнинг киши,
Борлиқдан зерикар нигоҳим.
Ногоҳ келган совуқ бир эпкин.
Ичимдан узиб олади оҳим:
Соғинибман сени, баҳорим.

Хаёлга тақаман чечаклар,
Нурланиб кетади бу олам.
Бахтлига ўхшайман, ва лекин,
Уйғониб қолади хотирам...
Соғинибман сени, баҳорим.

Қочаман залворли ўйлардан,
Бефайз боғларда толаман.
Қучаман дуч келган одамни,
Ўзимни минг кўйга соламан.
Соғинибман сени, баҳорим.

Қадрдон сочларни силайман,
Муҳаббатни қумсайди қалбим.
Бош тортади бўсадан ё, раб!
Армон билан қимтилган лабим.
Соғинибман сени, баҳорим.

Бир ўсмир ошиқдай интиқиб
Баҳорий елларни кутаман.
Юрагим урмоқда толиқиб,
Келмасанг билиб қўй, кетаман. !
Соғинибман сени, баҳорим.

Биламан эрта-кеч барибир,
Томларда қизғалдоқ унади.
Лекин бугун мункиллаган қиш
Мен билан сўнгги бор тунади.
Соғинибман сени, баҳорим...

Мукофот

Душманни кутавер энди эшикдан,
Деразангдан зимдан мўралар ҳасад.
Рост экан одамга асли бешикдан,
Мерос бўлиб қолмиш иғвою фасод.

Энди дилгинангни тирнайди шубҳа,
Иблис меҳмон бўлар феълингга бот-бот.
Энди ёзажаксан шеърмас бадиҳа,
Ахир ўзингга ҳам тегди мукофот.

.....Кўнгил, кел, иккимиз бўламиз ўртоқ,
Қочамиз дўстларнинг сукунатидан.
Ҳокисор калбларга хорлиқ яхшироқ,
Кечдиг-е шуларнинг мукофотидан.

*Энам Бумоҳира Абдусаттор маҳсум
қизининг хотирасига.*

Айрилар ғафлатдан толган киприклар,
Тагин қулоғимга эшитилар сас.
Сўлим тонгдан яна юрак ҳапқирар,
Тагин кечагидай оляпман нафас.

Хотирамга келар кечаги даҳшат,
Тангридан ўзимга сўрайман сабр.
Барибир вужудим эзади фақат,
Кечаги мунғайиб дўмпайган қабр.

Эй, субҳнинг лаззати тарк эт танамни,
Эй сайраган қушлар, мунча беғамсиз.
Эй, менинг фиғоним, тутгин оламни,
Ахир тонг отмоқда, , бугун онамсиз.

СОҒИНЧ

Сен у ёнда, мен бу ёнда эзилиб,
Кунларимиз соғинч бўлиб ўтмоқда,
Ҳар сония аср каби чўзилиб,
Соғинч бизни ўз домига ютмоқда.

Тўзгиган хазонни босганча бедор,
Кимсасиз боғларни кезаман ёлғиз.
Ўзига чорлайди қадрдон чинор,
Қўзғалар қалбдаги ўша эски из.

Юрак хансирайди, рангим оқариб,
Жунбушга келади қалтираган ҳис.
Тонг ҳам отади аста бўзариб,
Қўзимдан кетмайди ерга боққан қиз.

Ҳижроннинг оғриғи кўкрагим эзиб,
Қочаман хазонлар сукунатидан.
Дейман, ким ўлибди бир қизни севиб?!
...Қўрқаман соғинчнинг уқубатидан.

Бировга ёмонни кўрмасман раво,
Барчага тилайман садоқат, севинч.
Лекин ўша боғни кезганда танҳо,
Сенга ҳам сўрайман тангридан соғинч.

Ёнимиздан ўксиб ўтмоқда ёшлик,
Айрилдик салом ҳам йўлламоқликдан.
Бағримни тилса-да доимий ғашлик,
Қўрқаман соғинчсиз яшамоқликдан.

* * *

Йўқ-йўқ эшитмадинг хаёлга ботиб,
Менинг ҳам бу сўзни айтганим ёлғон.
Кўзларинг сеҳридан жонсиздай қотиб,
Валдираб қўйибди тилим ногаҳон.

Мен ҳали ўзга сўз этадирман кашф,
Эшитганда уни беҳис қотмайсан.
Маънисин англолмас ҳаяжонсиз қалб,
Минг хил луғатлардан излаб топмайсан.

Мен ҳали ўзга сўз этадирман кашф,
Бағримдан сен учун сақлайман кўздан.
Фақат у осмонча юксак бўлади,
«Севаман» деган ожиз бу сўздан.

* * *

Отма тонг ҳаргиз бу дамда саодатли бўлди тун,
Қўйнида сирлар яширган маҳобатли бўлди тун.

Хаёлимдай мубҳам эрмиш ўйласам сокин кеча,
Бағрига мен сингиб кетдим, фароғатли бўлди тун.

Қаро юз деб ҳижил этманг бу улугвор тунни сиз,
Бўсаларни кўриб ногоҳ ҳижолатли бўлди тун.

Қаро ният қоронғуда йўлин топмай қолиб кетсин,
Бизга лаззат, балки кимга қабоҳатли бўлди тун.

Кулма аҳбоб, аслида мен субҳи содиқ ошиғи,
/ам элчиси тонгдан бу кун латофатли бўлди тун.

Тўлин ойдан кўнгил тўлди бу кеча ашъор битиб,
Ҳарна бўлса бу Ҳалимга саҳоватли бўлди тун.

ЮРАК АҲВОЛИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Юрак
умр поёни узоқ эмаслигидан
бермоқда дарак.
Эҳ! Узоқ эмаслигидан...
Шукур,
жуссамга ярашмаган
иродам бор
Ўзим ҳавас қилсам
арзигудай.
Ва хайёмона
қабул қилишим мумкин
Сокинлик
элчиларин ҳам.
Лекин
дунёдаги барча
нотавон кимсалар каби
Хом сут эмган бандаман ахир.
Шу сабаб,
юрак
аҳволини маълум қилган маҳали
Кўзимдан ўтар:
Ҳануз
чўнтагимга пул солиб,
ортимдан дуо қилгувчи отам;
Ҳамон
онам қабрига ўрнатолмаган
ёдгорликнинг армони.
Кўзимдан ўтар:
Ишқ ҳиссини
кўнглимга солган,
Хаёлимни
буткул банд қилган
бир вужуднинг
чарос кўзлари...
Юрак
умр поёни узоқ эмаслигидан
бермоқда дарак...
Зотан,
мен яшайпман
ҳақларга дардкаш бўлиб,

Туйғуларга
 эш бўлиб,
 ташвишларга
 кул бўлиб.
 Яшайпман
 курашиб,
 толиб,
 гоҳида эзилиб,
 гоҳида ғолиб.
 Мен жанг қилаяпман!
 Сайёрамнинг қайноқ жабҳаларида...
 Боснияда,
 Қорабоғда,
 Ўзганда....
 Мен жанг қилдим!
 Юриб
 Анжаннинг тор кўчаларида,
 Юрагимнинг томонида туриб-
 бир шоир бўлиб.
 Кимга қандай
 билмадим,
 ўжар ҳисдан қолмадим,
 Ахир
 бир маълун
 этик мойи анқиган
 қўллари билан,
 Араб қизнинг
 кўкрагидан
 отган чоғида
 Мен жанг қилдим!
 Фаластин лагерларида
 бир шоир бўлиб...
 Кўнглим тўқ -
 қарзим йўқ аллакимлардан,
 Ким мушт солса
 жавоб олган ўша заҳоти!
 Бир туғён
 фақат
 дилимни ўртар,
 Бир пул бўлар
 шунда
 тоат-ибодат,
 Мен
 сени
 эплаб мактаёлмадим,
 Сарҳадингни
 бир бутун
 кўра олмадим,
 Эй, истиқлолдан
 яшнаган бўстон,
 Армоним,

мунисим,
ОНАМ-ТУРКИСТОН!

Юрак
умр поёни узоқ эмаслигидан
бермоқда дарак...
Шошилмоқ керак!
Эҳ! Ёзиб қолмоқ керак,
Қалбда
яра бўлиб қолган ҳисларни...

КЕТИБ БОРАЁТИР ИМКОН ВА ЖУРЪАТ

Қўлларимдан сирғалиб кетмоқда журъат,
Ҳисларим тўкилмай кўзларда қотди.
Қаламимда неча ой йўқ ахир суръат,
Нимжон имконларим бағримга ботди.

Момо ой чиқмаган сокин тун аро,
Тагин кипригимдан тортмоқда ғафлат.
Юракдан дардларим ситилмагунча,
Эй ором, нари тур, қил менга шафқат.

Ташвишларни бошлаб келгунча тонглар,
Хаёллар самони забт этиб қолинг
Бўм-бўш сатрларим-оппоқ қоғозлар,
Ҳислар денгизида чўмилиб олинг.

Эрта майли сонсиз ўтли нигоҳлар,
Мудраган кўзлардан сўрасинлар вақт.
Тунлар ғаниматдир. Тонглар ҳам, ахир.
Кетиб бораётир имкон ва журъат.

Қозық ұртасидан синади
(мақол)

Қозықның ұртадан синмоғи қизық,
Бу сирдан уқдим мен ажаб бир маъни.
Азиз умримизда кўп кўрдим ахир.
Ҳаётим ўртача деган кимсани.

Курашчан давримнинг олтин лаҳзасин,
Субутсиз мўрт сўзга қиёс этса ким.
Майли томирларда қони тўхтасин,
Кўзлари кўр бўлсин, юраклари жим.

Эрку озодликка шукрона айтиб,
Истиқлол асрига қадам қўямиз.
Одимни бир зумга сусайтирган чоғ,
Қозықнинг ўртаси бўлиб қоламиз.

ШОИРЛИК

Ҳисларим қоғозда титрайди секин,
Хаёлим сўзларнинг сеҳрига учган.
Шеър шавқидан шодон юрсам-да, лекин,
Шоирлигим менга қимматга тушган.

Яланғоч чинорнинг остида бир қиз,
Хазонлардан тузар сариқ гулдаста.
Мунгли шеърларимни шивирлаб унсиз,
Тагин ёлғиз қайтар сўқмоқдан аста.

Сездирмай кўчага қарайди отам,
Укаларим ёдига тушмасман мутлоқ.
Наҳотки, эртароқ кўз юмдинг, онам,
Бемехр ўғлингга бўлмай деб муштоқ.

Ошна-оғайнилар чойхоналарда
Ошдан сўнг бошлайди қизгин ғийбатим.
Мен эсам энг ғариб майхоналарда,
Уларга атайман шеърнинг навбатин.

Кўни-кўшни оқшом тўпланган кезлар,
Мағрур шоирчадан кулади ошкор.
Тирсиллаб етилган қишлоқи қизлар,
Чайковчи йигитга ишқ қилар изҳор.

Она Андижоннинг азиз тонглари,
Тунлари тушимда бўласиз зоҳир.
Дуо қилинг мени сахар онлари,
Бир куни бўларман албатта шоир.

Ҳисларим қоғозда титрайди секин,
Хаёлим сўзларнинг сеҳрига учган.
Шеър шавқидан шодон юрсам-да, лекин
Шоирлигим менга қимматга тушган.

СТАДИОНДА

Улкан ўйингоҳ ёшу қарига тўлган,
Ҳаяжондан қалқир минглаб халойиқ.
Тўп ортидан қувар девқур йигитлар,
Ер-кўкни силкитар зўр бир ҳайқириқ.

Юрагим шодликдан сакрайди тўпдай,
Ҳайқириқ ҳавони йиртган у дамлар.
Босин билмайман, эҳ, шу чоғ чиндан,
Ўзбекларга ўхшаб кетар одамлар.

* * *

Одамлар югуриб, елишиб,
Ташвишлар кетидан чопади.
Тириклик ғамидан нолишиб,
Қайдандир гарнитур топади.

Гоҳ ишлар юришмай-юришиб,
Дейдилар, қорин тўқ-кифоя.
Мен эса пешонам тиришиб,
Ўйлайман шеъримга қофия.

* * *

Ўзбекнинг ҳикмати, русумлари кўп,
Ўтганлар руҳини шод қилмоқ одат.
Аслида бир эслаш, ёдлаш баҳона,
Мархумга ўқилар Қуръондан оят.

Шу халққа фарзандман пок имон билан,
Томримда барҳақдир шарқликнинг қони.
Мўъжаз бир шоирман улкан дард билан,
Шарафлаб ёзаман тириклик онни.

Будпараст, христиан ёки мусулмон,
Гар у шоир экан тангриси бирдир.
Юраги, қалби ҳам руҳи муштарак,
Шоирнинг муқаддас каломи шеърдир.

Қачондир кун битса тугаса ризқим,
Улуғ оятлардан мен ҳам умидвор,
Эплаб мақтаёлсам юртим элимни,
Ортимдан шеъримни айтингиз такрор.

СУРАТ

Журъат ишқнинг енгди шарпасин,
Сурадингни ташладим йиртиб.
Лекин нечун қоғоз парчасин,
Ўлтирибман кўзимга суртиб?!

Сурадингни йиртдиму бироқ,
Жўш урмоқда қалбда бир туйғу.
Яна ўша ажиб бир титроқ,
Юрагимга солмоқда ғулу.

Ҳира-шира юлдуздай узоқ,
Эшитдим мен даракларингни.
Сурадингни йиртдиму бироқ,
Йиртолмадим юракларимни!

Унитилсин маҳзун хотира,
Сен ҳам расмим ўтларга ёқкин.
Ҳеч ким эмас буткул бокира,
Энди қисмат йўлига боқкин.

Хазонлардай сарғайган бир хис
Эслатади маюс сийратинг.
Бепарводай ўгирсамда юз,
Тикилади ўша сурадинг

* * *

Кўзларингни яширгин мендан,
Алам билан бургил юзингни.
Мен ҳам буткул қочайин сендан,
Тополмагин сира изимни.

Кўзларингни яширгин мендан,
Забт этмагин қалбимнинг тўрин.
Ташвишлардан толган юракда
Муҳаббатга топилмас ўрин.

Кўзларингни яширгин мендан,
Ҳар кўрганда титрамоқ нечун.
Наҳот севги ақл ва бурчдан,
Фарзандлардан бўлолса устун

Кўзларингни яширгин мендан,
Мен ҳам ахир олай ҳаловат.
Зўр келолмай тошган ҳислардан,
Кўзларингдан сўрайман шафкат.

МЕНИНГ УРУШ ВА ТИНЧЛИК ҲАҚИДАГИ ШЕЪРИМ

Қучоғимда ўғлим эркалар,
Гашт беради ажойиб кўк чой.
Экранда-чи, тарих жонланар,
Танк остида қолар кичкинтой.

Ҳуши учган она фарёди,
Сути тошган бўлиқ кўкраклар,
Шаҳидларнинг ҳеч ўчмас ёди,
Ҳануз-ҳануз қасос сўроқлар.

Нимжонгина кўкрак қафасда,
Юрак урар қўрқинч-ла «дук-дук».
Елкаларим эзар бирпасда,
ТИНЧЛИК деган улуғвор бир юк.

Тинч ва сокин уйимга шу дам,
Босиб келар УРУШ сўзлари.
Ичилмасдан совийди чой ҳам,
Мўлтирайди ўғлим кўзлари...

ҚОРА ХАТ

Эшагин етаклаб тош йўлдан,
Оғир-оғир келар почтачи.
Ортига тортади кўлидан,
Хат тўла қаппайган халтаси.

Оёғи юрмоққа эринар,
Эзди кўп етимнинг ноласи.
Хайрият, кўчада кўринар,
Бир шўрлик шаҳиднинг боласи.

«Дадангдан хат» дея тутказар,
Чакнаган кўзларга боқолмай.
Болакай, энтикиб югурар,
Суюнчининг шартин тополмай...

Бор бўлсанг эй тангрим, шу заҳот,
Тасбеҳни от, синдиргин бутни.
Ахир у чопмоқда кўтариб,
Қоғоздан ясалган тобутни.

...Билмасдан қай йўлга юарин,
Оғир-оғир кетар почтачи.
Ташлашга аҳд қилар ҳунарин,
Елкада лоппиллар халтаси.

УРУШ ҲАҚИДА САТРЛАР

Замон қизил, замин ҳам қизил,
Найза ботган кўкраклар қизил.
Эл номусин асрайман деган,
Аскарларнинг байроғи қизил.

Шу байроқдан шафақ ранг олган,
Юрт эркига ғаним чанг солган.
Беш олпидан айри онанинг,
Хаёллари бирдан ганг қолган.

Зирхлар ернинг курагин эзган,
Оғриғини етимлар сезган.
Сулувлигин кетмонга бериб,
Ёлғизликдан келинлар безган.

Уят сўздай бўлган хиёнат,
Бурчдан устун келган матонат.
Шунинг учун қон билан бирга,
Анҳорларда оққан қора хат.

...Тинч замонда, шукур, туғилдим,
Жанглар сирин билмоқ уриндим.
Қирғинларнинг маънисин укмай,
Ҳайронликдан қотдим, бўғилдим.

Қизир «Мангу олов»дан юзим,
Кўкка боқар ҳадикла кўзим.
Хўллас, уруш ҳақда гап кетса,
Тугамайди сираям сўзим.

РАҚҚОСАГА

Кўзлар қуролланган, эҳтиёт бўлинг,
Кокилларни силкитиб ороланмангиз.
Кўзлар қуролланган, эҳтиёт бўлинг,
Ним табассум билан зеболанмагиз.

Қошингиз қоқмангиз мастона бўлиб,
Кўзларни ўйнатиб этмангиз хиром.
Отилган гулларга кўксингиз тўлиб,
Майда қадам билан кетмангиз пинҳон.

Нигоҳлар ёпишар кипригингизга,
Дудоклар бўйидан қочади олиб.
Инсофсиз шукр этмас борлигингизга,
Икки дўст кабутар томон интилиб.

Маҳкам тутинг энди туморингизни,
Қарашлар ўтидан олингиз асраб.
Ташлаб кетинг бизга хуморингизни,
Кўзлар кўйингизда қолди жавдираб.

УМАР ХАЙЁМГА НАЗИРАЛАР

Майсиз ҳайрон бу дунёни нетгайман,
Ёрсиз вайрон бу дунёни нетгайман
Жонимни оларга шошилма раббим,
Иккиси йўқ ул дунёни нетгайман.

* * *

Сокиё, май тутиб эланмагин ҳеч,
Иболи кўзларнинг гуноҳини кеч.
Тангрига тириклик шукрини айтиб,
Ёр кийган нимчанинг тугмаларин еч.

* * *

Эй, зоҳид, бунчалар ўзингдан кетма,
Кўнглимга шубҳанинг уруғин сепма.
Ёрга айт, биладир борар еримни,
Майхона эшигин менга ҳеч ёпма.

* * *

Икки ғоя ичра ҳайронадирман,
Ватаннинг эрки деб оворадирман.
Оқибат ҳеч бирдан тополмай нажот.
Май ила ёр узра парвонадирман.

* * *

Менга ёр, гул ила май эрур ҳамроҳ,
Тўртовлон дунёни қилурмиз поқроқ.
Жойнамоздан тургил бир зумга зоҳид,
Бизни кўриб дерсан, албатта, «Оҳ-оҳ».

* * *

Қайноқ бўсаларни соғинсанг дилдор,
Ёр ичган косадан тўйиб май сипқор.
Ва чиқиб юлдузли самога боққил,
Тепангдаги ойда ёрнинг акси бор.

* * *

Қуй соқий, қадахлар тошсинлар тўлиб,
Лолагун шаробдан ичайин тўйиб,
Мастликни ростлик дейдилар ахир,
Қуйгил, мен яшайин буткул рост бўлиб.

* * *

Байтингни Хайёмдан ўқи эй, соқий,
Унутаилик эркисиз ҳаётни токи.
Тасалли не ҳожат, косани тўлдир,
Сен айтган умр ҳам эмасдир боқий.

* * *

Не бўлса ҳам асло кечирманг уни,
Дорга осинг элтиб бундай манфурни.
Ёрига аталган шаробу байтни,
Сенга деб, ўйнашга тутган шоирни.

* * *

Эй, раббим, қодирсан энг зўр билимга,
Ўзинг эгадирсан ҳатто дилимга!
Мен-ку бир девона, ёр-ла сармастман,
Нечун даҳрий сўзлар келар тилимга.

* * *

Мен ҳам шеър битдим май ила ёрга,
Шубҳамдан титради илоҳий қудрат.
Лекин осмадилар мени ҳеч дорга,
Кофир демокқа ҳам кимда бор журъат.

* * *

Тор кеп қолар бирдан ишхонам,
Таниш ҳислар беради дарак.
Кенгликларга чорлайди бирам,
Ўзлигини билдириб юрак.

Ташқарида ҳориган қишнинг,
Аҳволидан кулар чумчуқлар.
Сумалақдан оққан ҳар ёшнинг,
Томчилари вақт каби сачрар.

Умр-чи ўтмоқда омадсиз,
Кўнгилда қолмоқда зўр ғубор.
Туйғуларга бош эгиб сассиз,
Нафасингни туйяпман баҳор.

* * *

Мозорлардан бошланар баҳор,
Гўё сўрар улардан изн.
Қудратини кўрсатар илк бор,
Мунғайган қабрга бахш этиб ҳусн
Мозорлардан бошланар баҳор.

Йўл олдидан тин олар балки,
Мендай ўпар сағана тошин.
Балки у ҳам онажонига.
Менинг каби тўкади ёшин.
Мозорлардан бошланар баҳор.

Навбаҳорнинг тўнғич боласи –
Қизғалдоқлар беради таскин.
Тирикликнинг гаштин ҳис этиб,
Қўнғлим бир зум ўзингни босгин!
Мозорлардан бошланар баҳор.

Бақо ўйин кезиб хаёлчан,
Боисини изладим кўп бор.
Нечун, ахир, бўстонлар қолиб,
Қабристонда туғилар баҳор?
Мозорлардан бошланар баҳор?!

Охир аён бўлди бир маъни,
Ўз кашфидан ҳапқирди юрак.
Қабрданки, ундими гуллар
Ҳаёт ҳам ҳеч сўнмайди, демаку.
Мозорлардан бошланур баҳор!

ЁМҒИРДА

Ўқимаслик мумкин бу шеърни...
Уқмаслик мумкин бу ҳисни...
Ахир мен
ўқувчининг кўнглига урган
ёмғир ҳақида
яна шеър ёзмоқчиман,
ёрилмоқчиман!
Йўқ, Сиз ўйламанг,
масхаромуз кулманг,
Ахир мен
ўн йил олдинги
шеърпараст йигитчадай
Замин бағрин ўяётган
ёмғир остида
Ёмғирпўшга бурканиб,
тамакини бурқситиб
сочларимдан,
кошларимдан,
киприкларимдан
сизаётган
сувдан
сесканиб,
Ҳамма ўзини панага урган,
ғуборини ювган
кимсасиз кўчаларда,
фараҳбахш кўчаларда
хаёлчан юрмасман...
телбаланиб турмасман...
Ахир мен
кўнглимнинг тор кўчаларидаги
туйғуларим устига сачраб
завқ бераётган
муздай томчилар
Шаҳарнинг бетон деворлари
ортида
гўдак ғўзасини тиккалаётган
деҳқон бобомнинг
ичига санчилишин биламан!
Ўқимаслик мумкин бу шеърни...
Уқмаслик мумкин бу ҳисни...
Ахир сиз
байрамлар,
азалар,
туғилган кунлар,
корлар,
дўллар,
ёмғирлар ҳақидаги

шеърга ўхшаш шаклларни
сўкишга ҳақлисиз!
Лекин не қилай,
ёзмасам бўлмайди ахир!
Менинг ҳам
мудраган ҳисларим
томчиларнинг мавҳум рангини олар.
Бугун
кимгадир ёқиб,
ёқмаган
ёмғир
менинг
қачонлардир
самога кўчган
номсиз соғинчларим
бўлиб туюлар...

МАНЗАРА

Осмонда сузади қоп-қора булут,
Ерда ғимирлайди қари чумоли.
Атрофни босади безовта сукут,
Шивирлаб эсади кузнинг шамоли.

Ҳавода ўйнайди етимча япроқ,
Дилдирай боради тобора терак.
Хазонга бурканар мудраган тупроқ,
Ҳали ўзбек пахта тармоғи керак.

Талаба қайтади тағин ҳашардан,
Машина карвони ўтар бирма-бир.
Кетгиси келади гўзал шаҳардан,
Томоша жонига теккан мусофир.

Тумшайган хонамга қайтаман шошиб,
Соат капгирига осилар ёшлик.
Ҳисларим хазонга кетар қоришиб,
Юракка қўнади нотайин ғашлик.

ҚЎШИҚ

Анна Герман хотирасига

Қўшиқ таралмоқда...
Юракларга оқиб тушмоқда қўшиқ.
Мудраган ҳисларни турткиламоқда,
Қўнглим ҳам ниҳоят кетмоқда жўшиб.

Сўзлар ўзбекчамас, куйи ҳам бошқа,
Лекин гупиртирар томирда қонни.
Вужудинг самода чайқалар аста...
(Қанчалар севаман бу ажиб онни).

Хаёлниинг кучига берадирман эрк,
Польша кўчалари тунлардай узун,
Ана, ўша хумор, мовий кўз малак,
Олтин сочларига ўрайди юзин.

Мавжланиб боради сеҳрли овоз,
Борлиғимни буткул асир этади.
Ва руҳим бир тутам райҳонни олиб,
Олис Варшавага учиб кетади.

МОДИЛЬЯНИ*

*«Модильяни ўлмоқ учун яшади ва яшаб
қолмоқ учун чизди...»
Клод Руа*

Қўлимни оловдай куйдирар,
Киссамдаги сўнгги чақалар.
Қуриган ичаклар хайқирар,
Ҳисларим очликка айланар.

Ўзига чорлайди майхона,
Кўнгил эҳ, тусайди шаробни.
Ишратга имлайди фоҳиша,
Чопаман тутмоққа саробни...

«Қулт» этиб ютилган ғазабни,
Бир кучки, бўғзимдан отади.
Ҳар рангда кўраман азобни,
Бўёклар кўнглимга ботади.

Ивирсиган устахонамнинг
Эшигига уриб ўзимни.
Жаҳл билан чиза бошлайман,
Замонам устидан ҳукмни.

* Амадео Модильяни – XX аср бошларида яшаб ижод этган машҳур француз рассоми

ТОҒЛАР БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

(Владимир Висоцкийдан)

Мошинлар қалашган шаҳарга томон,
Қайтурмиз, боргани йўқ бошқа макон.
Тоғларда қолдириб юрагимизни,
Забтланган чўққидан тушыпмиз омон.

Мен ўзимга барин исботлаб бўлдим,
Керак эмас, қўйинг, беҳуда баҳслар.
Энг гўзал чўққини мен энди билдим,
У – мен ҳали чиқа олмаган тоғлар.

Ким истар кулфатда қолмоқни ёлғиз?
Ким истар кетишни юрак амрисиз?!
Лекин биз тушыпмиз мағлуб чўққидан,
Худолар ҳам ерга тушганку шаксиз.

Мен ўзимга барин исботлаб бўлдим,
Керак эмас, қўйинг, беҳуда баҳслар.
Энг гўзал чўққини мен энди билдим,
У – мен ҳали чиқа олмаган тоғлар.

Қалбларда уйғотиб умид ва қўшиқ,
Тоғлар бизни чорлар ўзига доим.
Лекин биз тушыпмиз балки бутунлай,
Чунки бизга ҳар вақт қайтмоқлик лозим.

Мен ўзимга барин исботлаб бўлдим,
Керак эмас, қўйинг, беҳуда баҳслар.
Энг гўзал чўққини мен энди билдим,
У – мен ҳали чиқа олмаган тоғлар...
Мен ҳали чиқа олмаган тоғлар....

КЎР МУСИҚАЧИНИНГ ШЕЪРИ

Нигоҳим зулматга шўнғиган ахир,
Кўзларим жавдирар беҳис, бемаъно.
Оламга ҳар жило берган бу тақдир,
Менга қаро рангни кўрмишдир раво.

Сезаман, рангин, шовқин бу ҳаёт,
Минг бир тусда мавжланар дунё.
Мен фақат оҳангдан топаман нажот.
Менга наволарда акс этар рўё.

Киприклар толиқиб олсам ҳаловат,
Тушимда кўраман турфа хил рангни.
Басир деб ачинманг, қилмангиз тухмат,
Кўзларим кўради... фақат оҳангни!

Қўлимда қамиш най, қалбда аламлар,
Менга ҳам тириклик ғами ётмасдир.
Қамларим садосин тингланг, одамлар,
Кўзингиздан сира аримайди нур.

ШОМ КАЙФИЯТИ

Ташқарида хорғин шом рутубати,
Ғашлик даёрисиди оқаман лоқайд.
Елкамни эзади куз уқубати,
Ўзимда сезаман каттакон бир айб.

Гўё деразамдан кирар хавотир,
Хазонли йўлакка қўрқиб боқаман.
Кўнглимга бир қаро тун ботаётир,
Барча уй чироғин бир-бир ёқаман.

Рухим ҳам ҳувиллаб қолади, илло,
Ўзимни жуда ҳам сезаман ёлғиз.
Шундай пайт ёдимга тушади Оллоҳ!..
Қайдасан бахт деган сеҳрли, эй ҳис.

Сукунат онгимни буткул забт этар,
Недандир жавдираб излайман нажот.
Наҳот, куз илҳоми юракка кўчар,
Наҳот, шеър битаман тағин мен, наҳот?!

Барига қўл силтаб, ғамнок бу шомнинг
Сингмоқчи бўламан бағрига беун...
Чиксам, юлдузлар рақс этар кўкда,
Борлиқни қоплайди оромбахш бир тун...

ҲОЛАТ

Кузги боғлар мисол юрагим файзсиз,
Бўғзимга қадалар тағин хўрсиниш.
Ҳислар ҳам йўқолган бенишон, беиз,
Вужудимни эзар оғир зерикиш.

Кўнглим каби тордир тепамда осмон,
Қушлар ҳам панадан чиқармайди бош.
Ҳазонлар «қилт» этмас, шамол ҳам гумон,
Ё ёмғир қуймайди, ё чиқмас қуёш.

Борлиқ сукунати миямга кўчар,
Тарк этади буткул ўйлар ва хаёл.
Оғриқ хотиралар ниҳоят ўчар,
Унутилар ахир сирли у аёл.

Лекин зулматдаги хира ёғдудай,
Қалбимнинг тубида бир илинж пинҳон.
Шундай яшайпман, кутяпман, шундай,
Жунбушга келишин бир куни бўрон.!

САФАРБАРЛИК

Чақирик қоғозин олган аскардай,
Ўзбеклар ҳар кузда бўлар сафарбар.
Хазонлар тўшалган кимсасиз боғдай,
Ҳувиллаб қолади ҳаттоки шаҳар.

Ҳосил мўллигидан келади дарак,
Юракка бир журъат тушар дафъатан.
Белларни букканда зил-замбил этак,
Тилларга олиниб қолинар Ватан.

Рўйхатларга тушар менинг ҳам номим,
Ҳашар карвонини қувиб етаман.
Заҳматкаш елкангга бош қўйиб, халқим,
Эгатларга сендай сингиб кетаман.

ПОРТРЕТ

Қуёш найза бўйи келган маҳалда,
Манглайин рўмоли билан танғиган,
Замин билан олишиб эрта саҳардан,
Шўртак терларига беҳол шўнғиган,
Кетмон дастасига суянган, эй қиз!
Ташвишнинг тонги бу қизғин паллада,
Нон ёпса пишгудай оташ далада,
Сени кўриб тўлғонди туғёнли бир ҳис.
Қошларинг чимириб турибсан ўйчан,
Ҳатто ўтирмоққа йўқдир журъатинг,
Рассом бўлиб қолсам шу тоб ногаҳон,
Мангуга муҳрлар эдим суръатинг.
Зарра надоматсиз меҳрингни қўшиб,
/ўзангнинг кўркига берасан жило.
Ахир сен ҳам қаро кокилинг ўриб,
Қўлларингга қўйсанг бўлмасму хино?!
«Фаҳримизку бизнинг «оқ олтин» - дейсан,
-Ростдан ҳам меҳнати бироз қийиндек».
Лекин ушбу гап ҳам ҳақиқат билсанг-
Фақат пахтани деб яшамас ўзбек.
Саботла турибсан ўйчан ва қайсар,
Бебошвоқ ҳислардай қуйилмоқда тер.
Ниҳолинг ютоқиб олтин нур эмар,
Кел, ўзни бир зумга ҳаловатга бер.
Сўнг улуғ офтобдан мўл хирмон тила,
Мен эса номингни шарафга буркай.
Қаламга ўрганган майин қўл билан,
Дағал қўлларингни кўзимга суртай.

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ

Қадим она юртим улуғ Туркистон,
Ўтмишинг хайратли улуғвор дoston.
Осиё буржида яралган бўстон,
Доим омон бўлгин эй, Ўзбекистон!

Шарқда машъаллигинг мудом рост бўлсин,
Аму, Сир, Оролинг сувларга тўлсин.
Санга қасд қилганлар энди-да ўлсин,
Доим омон бўлгин эй, Ўзбекистон!

Аждодлардан сенга мерос саҳоват,
Бағрингда кўп миллат топган ҳаловат.
Истиқлол шарафи бўлмас адоват,
Доим омон бўлгин эй, Ўзбекистон!

Сен билан фахр этай мустақил ўлкам,
Ўзбегим ғайратинг бўлмасин ҳеч кам.
Авлодлар бизларга эрур зўр ҳакам,
Доим омон бўлгин эй, Ўзбекистон!

Шарқда машъаллигинг мудом рост бўлсин,
Аму, Сир, Оролинг сувларга тўлсин.
Санга қасд қилганлар энди-да ўлсин,
Доим омон бўлгин эй, Ўзбекистон!

* * *

Дадам Ўрмонжон Каримжон
ўгли хотирасига

Она заминни рухсиз танам кучгач,
Устимга бостирманг залворли тошни.
Янги ой баҳорнинг белидан тутгач,
Бир бор келиб аста эгинг бошни.

Тупроғимни бироз кенгрок ёзингиз,
Токи қизғалдоқлар унсин бағримдан.
Келган чоғ бир фурсат суҳбат қурингиз,
Тебрансин чечаклар нафасингиздан.

Товшингиз эшитиб, бир эркин бўлиб,
Аста юзларингиз силаб ўтарман.
Келишдан чўчиманг, меҳрга тўлиб,
Сизга узоқ умр тилаб қоларман.

ЖОЙНАМОЗ

Мени гуноҳлардан асрайсан омон,
Сен билан дилимда мустаҳкам имон.
Сенга ошнолигим юригимга соз,
Пешонамдан ҳар тонг ўлган жойнамоз.

Қадам қўсам сендаги гўзал нақшлар,
Кўнглимга таскину инсоф бағишлар.
Самодан қалбимга нур тила боз-боз,
Онамдан елкани силаб жойнамоз.

Энди мен жўралар ёшгина бир чол,
Дуолар қиламан донолар мисол.
Ишратга имламанг, чиқарманг овоз,
Йўлимни тўсади энди жойнамоз.

Дўстгинам, кел сен ҳам покла ўзингни,
Эл дея, юрт дея созла сўзингни.
Меҳнат қил, яратгил, замин узра ёз,
Эрк деган каъбага чорлар жойнамоз.

* * *

Мана энди йўқдир суратинг,
Синди охир ёдгорлигинг ҳам.
Эсламасман зинҳор сийратинг,
Вужудимни тарк эт маликам.

Рўпарамдан чиқмасанг ногоҳон,
Ўтгум энди кўзимни юмиб.
Майли мендан кулсин бу жаҳон,
Ўзни ғамга ташлайман кўмиб.

Асли менга парвардигорим,
Хажр юкини этмишдир тортиқ.
Ахир мана сенсиз нигорим,
Яшаб қўйдим умрдан ортиқ....

Бироқ қуфр сўзни айтибман,
Тангри ўзи қилганкан ошиқ.
Қотиб қолган экан билмабман,
Юрагимнинг кўзлари очиқ.

ҚИШЛОҚ ДОСТОНИ

Хаёлларга толган доно чол мисол,
Тун қўйнига чўмди сўлим бу қишлоқ,
Вайсақи қурбақа сўйлайди аҳвол,
Чигиртка шуттагига соламан кулоқ.

Тупроқнинг исидан бўлади сармаст,
Шаҳар зардобидан эзилган вужуд.
Итлар ҳуришининг малоли келмас,
Бунда бир ажойиб синоат мавжуд.

Сочлари қирилган аскарлар каби,
Қишлоқни қўриқлар саноксиз тутлар.
Сухбатга чорлайди анҳорнинг лаби,
Тепамда тўлин ой кўнглимни бутлар.

Бедапоя ичра туғилган шамол,
Япроқлар бандини қитиқлаб кетар.
Бундаги ҳар майса, ҳар жон ҳар ниҳол,
Яратганга тинмай саловат айтар.

2

Ҳув нарида-таниш чекка бир уйда,
Зулматни йиртади хира бир ёғду.
Қайдадир йигитлар қайтади тўйдан,
Аския завқидан таралар кулгу.

Олпона ташланган қадам зарбидан
Бу момик тупроқнинг узилар чанги,
Ялпизнинг бўйлари ўтар баридан,
Шу бўйга бир умр бўлганман банги.

Кўзларим қувонар чиқсам панадан,
Сирли уй томонга кетар шошилиб.
Вужуддан айрилиб кетган у нигоҳ,
Дераза рахига қолар осилиб.....

Кўринади аввал таниш бўйлари,
Ўшандан ўрабди рўмолларини....
Қонаган нимадир-кулоқми, юрак?!
Эшитиб маҳзуна аллаларини.

Қишлоқнинг тунлари қисқа мунчалар.
Қишлоқнинг тунлари мунчалар узун...
Дилим, сен, ўртанма, бўлди шунчалар,
Эй, кўнгил, ниҳоят топакол тўзим.

Орзиқиб яшайман, яшайман безиб,
Лаънати хижроннинг йўқдай адоғи.
Чорлайверар бироқ вужудим эзиб,
Шу оддий, муқаддас ёрнинг қишлоғи.

Баҳор сеникидир югур энтикиб...

А.Орипов.

Баҳорнинг оромбахш майин еллари,
Сочларим тўзғитиб, силайди юзим.
Самонинг ҳадяси – фаслим селлари,
Пинҳон ҳисларимни қўзғайди бир зум.

Наврўз исин туйган келинчак ўлкам,
Ҳарир либосида тутди чечак.
Юртим дастурхони бесару бекам,
Сумалак ризқ-рўздек қайнайди бешак.

Метиндек қоялар нозик қизғалдоқ,
Пойига бош эгиб завқ олар бу дам.
Дехқон халқим қалби кетмон олароқ,
Мўл ҳосил ишқида кўтаради ғам.

Висолни қўмсаган интиқ юраклар,
Ҳижрон сарҳадидан энди ошади.
Шоирлар ҳар тонгдан илҳом дараклар,
Саҳарда кўзини шеър деб очади.

Этагинг ушлагим келар, баҳорим,
Соғинган болангни бағрингга кел, ол!
Лабларим шивирлар шоирнинг сатрин:
Баҳорим «ўлгунча шу ўлкада қол».

* * *

Уфққа қараганда бўламан асир,
Оловли либоси гўзалдир ғоят.
Сингиб кетгим келар улкан самога,
Ажиб ранг бермишдир момо табиат.

Хаёлимдай чексиз, тубсиз бу осмон,
Қуёш чўккан денгиздай мавжланар бу кеч.
Термулиб боқаман, балки у қизнинг
Алвон кўйлагига ўхшармикан ҳеч.

Ғафлатга солганча кетади ботиб,
Адашган дунёнинг кекса маёғи.
Соғинган кўзларда қолади қотиб,
Атласдай товланган уфқ бўёғи.

ДЎСТЛАР

Тойирга

Мудом сенга интиламан мен,
Йўллариңга кўз тикиб фақат.
Ишонч билан кутадиран сен,
Юрагиңда балқиб садоқат.

Шамолардай учрашамиз биз,
Меҳр қотар бир зум кўзларда.
Кулишамиз сўкишамиз биз,
Иккимизга аён сўзларда.

Куйинасан аламларимдан,
Ғам чекмасин дея аяйсан.
Кексалардай дуо қилиб ман,
Балолардан сени асрайман.

Сукут сақлаб келар айрилиқ,
Соғинч қолар бўзлаб, бўзариб.
Олисларда яшаймиз шундай,
Бир-бировниң ғамин кўтариб.

ЯРМИ ҲАЗИЛ....

Ташқарини эзилган шом ютади,
Рухингни лоқайдлик забт этган дамлар.
Ичкарида чўзилган мажлис кетади.
Қўл кўтариб, қўл туширар одамлар.

Кийимлар асралсин, йўқ бўлсин куя,
Аксириш йўқолсин ишда деганлар.
Картошка, пиёзни жамғаринг дея,
Қўл кўтариб, қўл туширар одамлар.

Барчага тегади оз – моз мукофот,
Ҳозироқ йўқолсин ишдаги камлар.
Мажлисларда фақат чиқсин дея от,
Қўл кўтариб, қўл туширар одамлар.

Ноҳоят қўллар ҳам толди хайрият,
Эсноққа очилган оғизлар толди.
Нега кўтарилганин билмайин фақат.
Кўтарилган қўллар муаллақ қолди.

...Шу онда сўнгги бор қурайлик кенгаш,
Ҳозир бўлинг сиз ҳам одил ҳакамлар.
Ким мажлис ўрнига бўлсин деса иш,
Қўл кўтариб, қўл туширинг одамлар.

* * *

Ҳисдай нозик ўспирин чоғим,
Сен кўриндинг – худди ширин туш.
Шундан бери бўлди бир зорим –
Кўзларингга унсиз термулиш.

Гўзал эдинг ва ғоят нафис,
Лутфинг эди нозла жилмайиш.
Мен телбага бўлганди юмуш –
Кўзларингга унсиз термулиш.

Келса тўфон, бўлса қиёмат,
Ҳал этилса ўлиш ё қолиш,
Ўша пайт ҳам илинжим фақат-
Кўзларингга унсиз термулиш.

Аста ерга тушди оёғим,
Кўнгилларда бошланди сўлиш.
Яна ўша сендан сўроғим-
Кўзларингга унсиз термулиш.

Ёшлик ўтди ўксиб ва нолиб,
Ҳисларимдай сарғайди бу ишқ.
Ҳануз орзум ташвишдан толиб-
Кўзларингга унсиз термулиш.

* * *

Юзларингдан ўпиб қочдим мен,
Шўх ёшликнинг тонгида бир кун.
Жаҳл билан қувиб қолдинг сен,
Ҳам нозланиб қилдинг табассум.

Армон билан ўтди ҳам йиллар,
Ҳануз сенга интилар юрак.
Бош тортганда бўсадан лаблар,
Юзларингни қўмсаса керак.

Қора кўйлак кийганда осмон,
Юлдузлардан ошно топаман.
Ғафлат сени енганда, ҳамон,
Юзларингдан ўпиб қочаман.

* * *

Авжга чиқар мусика,
Базм қизиб боради.
Чолғувчи ҳам антиқа,
Куйларидан чалади.
Оёқларнинг гупури,
Юракка кўчар аста.
Тантананинг сурури
/амни тўкар бирпасда,
Барча хуррам, барча шод,
Барча кулар қийқириб.
Факат мен бир четда, дод!
Ўлтирибман қимтиниб.
Кўрқаман тан олишдан,
Дилда ҳасад ё ҳавас?!
Нахот, қалбим йиғлашдан
Бошқага ҳеч ярамас,
Эй, муғанний, торингни
Кўнглим каби созлагин.
Навога сол зорингни
Менинг каби бўзлагин.
Даврада дўстлар билан
Рақсга тушай чунонам,
Қадамимнинг зарбидан
Титраб кетсин бу олам.
...Чолғувчи хорди чалиб,
Ёзилмади ҳеч ғашлик.
Сезмай қолибман, мени
Ташлаб кетибди ёшлик.

САМАРҚАНДА ТУН

Самарқанд тунини хаёлчан кезиб,
Ажаб ҳақиқатга бўлдим мен гувоҳ.
Одамлар ухласа ташвишдан безиб,
Гўр Амир уйғоқдир, Регистон уйғоқ.

Хайратдан толикқан эй сиз, сайёҳлар,
Ранглар сизни алдаб қўйибди кундуз.
Аслида фотолар мурвати аро,
Ухлоқ минорларни яширдингиз сиз.

Тунда нигоҳлардан гумбазлар ҳалос,
Нақшинкор деворлар керади қомат.
Маҳобатли зулмат қаърида бир пас,
Сирли шивирлайди улуғ сукунат.

Турон турар юрак харитасидан,
Онгимга киради зўр бир фароғат.
Ўтмишнинг фараҳли даричасидан,
Кўринади мангу буюк заковат.

Эшиталар тошлар қатидан сокин,
Жаҳонгир бобомнинг юрак уриши.
Ўксик ғуруримга беради таскин,
Аждодларнинг вазмин қадам товуши.

* * *

Гапир дейман ва кулгин шўх-шўх,
Эркалангин майли нозланиб.
Уйга қайтсам бўйнимга осил,
«Севаман» де аста юзланиб.

Шундай дея қалбимда ўкинч,
Гоҳ аламдан юзим бураман.
Лекин ўша ўйчан ва сокин
Юришингни яхши кўраман.

МУВАШШАҲ

Оқ илон, оппоқ илон ойдинда ётганинг қани,
Ой юзингдан айрилиб юлдузни топгонинг қани.

Йўлларингда неча юз минг не чаманзор учради,
Йўл солиб, хушнуд бўлиб боғингдан ўтгонинг қани,

Дилрабо субҳ эрди ул кун айладинг дилдорни тарк,
Дўст санам излаб тагин васлига етгонинг қани.

Излаб ўтдинг адлу инсоф ё ҳақиқат топмадинг,
Изтиробдан май ичиб кайфини тотгонинг қани.

Не ажаб, шаҳру азим машҳур этар деб ўйлама,
Надомат бил шоир эсанг, дардни битгонинг қани.

Изҳори дил этма зинҳор мусофирни ёр танламас,
Ишқ аро гар шоҳ эрса Қайс, андин ўтгонинг қани.

Меҳр ила севгин Ҳалим ёрингга сен баҳшида бўл,
Майли, шоҳ бўл Тошканингда шаҳри Анжонинг қани.

* * *

Еб қўйғудай бўлар мени бу дунё,
Кўзимга ҳар нарса кўринар даҳшат.
Яшамокдан тўйиб кетаман гоҳо,
Тафаккурим тирнар оғир сукунат.

Шундай пайтда дўстлар қўлимдан ушлаб,
Айтинг: «пиширганин ҳар ким ўзи ер!»
Латифа сўқишдан бир зумга тўхтаб,
Менга ўқиб беринг биттагина шеър!

* * *

Дардлар абас бўлди чамаси,
Юрагимни тарк этди ҳислар.
Хақиқатнинг аламли саси,
Йўқолмишдир, қолдирмай излар.

Аламларни ҳали енголмай
Мангалайимда қотмишдир терлар.
Ахир мана сира ийманмай,
Ёзмокдаман тумтароқ шеърлар.

ҚАЙДЛАР

Лаблар қовушдилар - қайноқ ва муздай,
Бирига бўса – бахт, бирига қисмат.
Эҳ, не бўлар ахир уларга бирдай,
Ҳарорат бахш этсанг она табиат!

* * *

Нечун англамайсан севгимни ҳануз,
Наҳот керак сенга алдоқчи сўзлар.
Ҳамоҳанг қалбларга изҳор не боис,
Нечук керак ахир бизга бу кўзлар?!

* * *

Хона
 сутдай ёришиб кетди,
Парда ортида
 ечинади қиз...

* * *

Жуда «камтар»
 анови дўстим.
Тўйда
 куёв
 бўлсам дер,
азада ўлик...

* * *

Ўзни зукко билиб хаёлга чўмиб,
Дунёнинг сиридан ўйга толаман,
Миямда айланар олам чарх уриб,
Лекин ўзим йўқдек бўлиб қоламан.

* * *

Қалбим!
Ҳамиша тик тутгин ғурур бошини,
Энди кўп отарлар таъна тошини.
Кафтингга қоққанча ёрилгур қорин,
Бугун ичиб қўйди миннат ошини.

* * *

Биламан!
Ҳар сўзни айтиб бўлмайди шеърда,
Қувиб бўлмас, экан, лекин хаёлни.
Иродам кучидан тушсам-да терга,
Вужудим соғинар доим аёлни.

Шўролар босмаган шеърлардан...

* * *

Оғир турмуш тарзидан безиган
Ўзбек аёли олов билан қовуша бошлади.
(1989 йил. Газетадан)

Сиз зўр алплардан чиқдингиз зўрроқ,
Сиз мард эрлардан чиқдингиз мардроқ.
Эрк деган каъбага жонни тикдингиз,
Қуллик занжирини уздингиз шундоқ.

Эрлар чойхонада, қўл қовуштирдик,
Ор йўқдир, ҳали ҳам этак ёпмасмиз.
Сизни, воҳ, бепарво оловга бердик,
Энди икки дунё тўзим топмасмиз...

... Потираб ёнмоқда... унсиз ёнмоқда,
Ёнмоқда бир этак бола хаёли,
Мени-да чорлайди исён қилмоққа
Мағрур гулханлар – ўзбек аёли!

Андижонда тўққиз ёшли қизалоқ нонга навбатда
турган оломон оёқлари остида қолиб нобуд бўлди.
(1990 йил. Газета хабаридан)

* * *

Сени деганларим бекордир, бекор,
Онт ичганим ёлғон кечиб бу жондан.
Миллат дегани ҳам қиялман ор,
Халқим, қолмадими зарра имондан?!
Боланг арзонмиди бир бурда нондан?!

Ўша сен эдингку Хизр мисоли
Оч – юпун қошида пайдо бўлгувчи.
Ўша сен эдингку фарзанд камоли
учун миллион марта ўзи ўлгувчи.

Қахрли кунларнинг қахратонида
Мусофирга уйнинг тўрини берган.
Сен эдинг! Урушнинг саратонида
Ўн етти етимни боқиб, кийдирган!

Саховат денгизи қуриди наҳот,
Наҳот йўл бошламас Ҳадису Қуръон!
Улуғвор Ватаннинг шуҳратин шу тоб
Наҳотки шундайин билади жаҳон.

Кеча оч эмасдинг, тўқмассан бугун,
Эрта ҳам қорнингнинг тўйиши гумон.
Тилагим, фароғат олганинг бир тун
Бор бўлса сени ҳам қийнасин виждон.

Ўғлингман, менга ҳам эмасдир осон,
Лекин уволи бор ўша қизчанинг!
Сатрим сескантирса, эй, сен оломон
Тошбўрон қил мендай шоирваччани.

Мастона

(киноя)

Ҳовв... давлат...

ҳовв... ҳукумат

Шоир керакмасда-а-а сенга,

Шоир керакмас!

Бўлмаса...

Бўлмаса бўйинбоғли лашкаринг билан

Хаёлларга чўмган ҳовлимга

Ташлаб кетмасмидинг

битта қопда ун..

битта қопда ун.

Мен эсам

Таъналарни кўксимга кўмиб,

Таъкибидан қочиб кўзларнинг

Ишхонамга кирволиб

йиғламасдим беун...

беун.

Сўнг эса

Талоқ қилиб тирикчиликни

Тўйгунча

шеър ёзмасмидим...

ўлгунча...

Ҳовв... давлат...

ҳовв... ҳукумат...

Шоир керакмасда-а-а сенга,

Шоир керакмас!

Бўлмаса.....

Бўлмаса ҳимматнинг борлигин билсин дея шул

Бўйинбоғли лашкаринг билан

Хаёлларга чўмган ҳовлимга

Ташлаб кетмасмидинг

битта қопда пул..

битта қопда пул.

Мен эсам

Ютуқларга киноя қилмай,

тамакини насяга олмай

Биирр... дoston битмасмидим

хуррият ҳақда!...

Битта қопда ун!

Битта қопда пул!

Хижолат чекаверма

жигарим – кўнгил.

Ахир булар
 эмасдир фикр,
Балки оддий шеър –
 шунчаки ҳазил.
Дўстгинам – кўнгил!
Аввалгидай улардан кулавергин,
 кул!

...Кимгадир нолидим,
“Шоир кўп”, деди,
“Кўплиги миллатга жуда хўб, - деди,
- Кўплиги давлатнинг
 бойлигидандир,
Кўплиги ҳукумат
 зўрлигидандир”.
...Ўзингдан кўр
 энди ҳовв... давлат,
Ўзингдан кўр
 энди ҳукумат!
Энди шеърлар ёзавераман,
Ҳисларни сатрга тизавераман –
Сени бой қилавераман.....
Сени зўр қилавераман
Ҳовв... давлат
 ҳовв.... ҳукумат!

**ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР ШАРАФИГА
БЕРИЛАДИГАН ЗИЁФАТДА ЎЗБЕКЛАР
АЙТАДИГАН ҚАДАҲ СЎЗИ.**

Лол бўлманг ўзбекнинг саховатидан,
Борин баҳам кўрмоқ бизда бир одат.
Меҳмонлар қадами, шарофатига
Шарқона майлардан қуямиз фақат.
Дўст бўлиб келганлар ўйнаб – кулишсин,
Келинг дўстлар, фақат қадаҳ уришсин!

“Муножат” ни тинглаб кўрингиз меҳмон,
Вазмин наволардан юмшасин кўнгил.
Ҳарбийга мартларни чалмаймиз бу он,
Тириклик гаштидан яшнамоқда дил.
Ҳарбийлар ҳам ахир тинчроқ юришсин,
Келинг дўстлар, фақат қадаҳ уришсин!

Тавозеъга ҳар вақт топурмиз имкон,
Тилларда хамиша юрт қасидаси.
Дастурхон тўрида синилмаган нон,
Шаҳид кетганларнинг туз – насибаси.
Эрк учун қурбонлар мангу туришсин,
Келинг дўстлар, фақат қадаҳ уришсин!

Дунё даъвойида бўлган эй, жаноб!
Дастурхонга келинг, сиздан бир салом.
Ўзбекча паловдан бир сиқим олинг,
Тилингизга келар қутлуғ бир калом:
“Инсонлар Заминда омон бўлишсин
Келинг дўстлар, фақат қадаҳ уришсин!”.

Пахта кампаниясига чизгилар

Этак тутишдан бошқа иложинг қолмас
Ҳавога, сувга айланганда,
Нонга, ўққа айланганда,
Имонга, бурчга айланганда ПАХТА!
Поёнсиз эгатларга бошингни уриб,
Гоҳида эзилиб, гоҳида суюб
Йиға бошлайсан оппоқ севинчларингни
оппоқ дардларингни...

Онглиликни кўрсатмоқ учун
Ҳар жойда бор тошу тарозу,
Зеро, бутун борлиқ килограммларда,
Рақамларда ўлчангувчи замон бу!
Ана ҳувиллаган, совқотган далада унсиз
Кўкка қараб қаҳ-қаҳ отмоқда
Дардларидан халос бўлган яланғоч чаноқлар....

Чиллада тугайди ўзбекнинг кузи!
Талабалар қийқириғи тутар шаҳарни.
Жуда зўр бўлади ҳосил байрами,
Марказий майдонда, кенг плакатда
Ўзбекнинг рамзи – бободехқоним
Мағрур турар кўкракни кериб!
Кафтида миллионлаб тонна оппоқ
дардлар,
севинчлар...

1985.

ТУШ

Баллада

Мен ухлаб ётардим... ухладим узоқ,
Қабокларим эзиб асрий бир юмуш.
Гоҳида уйғонмоқ бўлардим биров,
Мени мавҳ этарди алласимон туш.
Унут эди олам, унут ғам-алам,
Кўнглим мазорида кўмик хотирот.
Хатто исмим ёддан чиққанди буткул,
Завқли тушни эса кўрардим бот-бот.
Майин сабо юзу кўзим ўпарди,
Шарқираб оқарди сутдай тоза сой.
Боғларда турфа хил мева пишарди,
Фуқароси озод, яшар эди бой.
Тўкинлик йўлида арзанда меҳнат,
Эрлар оқшом қадар тўкишмасди тер.
Беғубор қирлари мисоли жаннат
Энг илғор чўпон бунда компьютер.
Ўнинчи болага тутаркан кўкрак,
Аёли бахтидан яшнарди ял-ял.
Олий йиғинларга чорланмаса ҳам.
Мағрур гулханларни кўрмасди афзал.
Кўрган чоғ кўзимдан қуйиларди ёш,
Гўдаклари бардам, соғлом эди-да.
Бунда ҳам сахийлик қиларди қуёш,
Лекин пахта-махта унмас ерида.
Юртга ошиқ бўлган ҳар бир йигитда,
«Алпомиш» аталган лақаб бор эди.
Уларга сочлари ерни супурган
Сулув барчинойлар зўр тумор эди.
Эшитсам қулоқда қотарди ҳайрат,
Одамлар сўзларди менинг тилимда.
Таниш имло ила ёзишарди хат,
Жуда зукко эди бари илмда.
Савалар сайраган сўлим сайхонда
Шоир истиқболдан қурарди суҳбат.
Бу юрт эрка эди жумла жаҳонда,
Бунда таъқиқ эди ҳарбий машварат.
Кўзларим завқдан кетарди чарчаб,
Қалбимга нурдайин кирарди ҳавас.
Учраган кишига борардим потраб,
«Бу қай юрт, бу не халқ?» сўрардим бесас.

Кўп улуғ сиймолар ўтарди бир-бир,
Уларга топиниб, қилардим тавоф.
Ҳайратим ошарди, тошарди ахир,
Ҳеч бири менга қилмасди жавоб...
Бир одам-малла соч, жуда нотаниш,
Ниҳоят четроқда пайдо бўлибди.
Елкамга қоқибди қилиб жилмайиш,
Қайсидир чет тилда сўзлаб кетибди.
«Кел эй, сарт, кўнглингни шубҳа эзмасин,
Оломон ичига шўнғигин дарҳол.
Сенга ҳам рухсат бор, кўнглинг чўкмасин,
Бу тоза ҳаводан тўйиб нфас ол.
Сеникидир ўғлон шу юрт, шу замин,
Ортаверсин майли ихлосинг тағин.
Шу сенинг халқингдир озод, бахтиёр,
Ухлайвергин ширин тушлар бўлсин ёр».
...Ё раб, бахтдан гангиб қолибман буткул,
О эгам, бизга ҳам қилибсан шафқат.
У ҳолни англамоқ жуда ҳам мушкул,
Юрагим ёрилиб кетмабди фақат...
Кўзларимга чўкди ҳайронлик рости,
Чалкашди хаёлим мантиқсизликдан.
Хайрият, малла-соч халқларнинг дўсти,
Мени-да қутқарди бу онгсизликдан.
Бари изтироблар ёлғондир демак,
Демак, сохта экан фиғонинг шоир.
Бекорга курашмоқ не учун керак,
Юрт озод, миллар шод экан-ку ахир...
Ҳаяжон оҳиста қувила қолди,
Юрак ҳам бемаъно урди бу фурсат,
Танамдан руҳим ҳам узила қолди,
Вужудимни боса бошлади ғафлат...
Бир тафт сездим мўъжаз елкамда ногоҳ,
Зўр ҳаловат бирдан тарк этди таним.
Кўзим очсам, болам, уйғонгин дея,
Бошгинамни силаб, йиғлар Ватаним.

1989 йил.

* * *

(Чўлпон йўлида)

Камолиддинга

Дил розин айт, дедим қаламга,
Мадҳ эт, дедим улуғ Ватанни.
Фидоликдан жар сол оламга,
Мен берайин жону танамни.

Барини айт, барин ёз дедим,
Миллатимнинг бахтини куйла.
Аслида мен қандай зод эдим?!
Озодликнинг сурурин сўйла.

Юз тутганмиз дегин жаҳонга,
Буюкликдан фалсафа сўқи.
Ҳурриятдан гангиган жонга,
Фаровонлик эртагин тўқи...

...Ёзмай роса қилди тихирлик,
Қўзимга ёш келди аламдан.
Десам, солма қўнглимга кирлик,
Қонлар оқиб кетди қаламдан.

ҚОРБОБО

Болаларга

Қобобожон, қорбобом,
Келар янги йил бобом.
Юзларида нури бор,
Соқоллари мўл бобом.

Йўл босса ҳам мўл босиб,
Музли тоғлардан ошиб.
Бўронларга бериб чап,
Кеч қолмайин деб шошиб.

Қоплаб совға олдингиз,
Чаналарда елдингиз,
Қорқизни олиб ёнга.
Биз томонга келдингиз.

Саҳий, меҳрибон бобом,
Тилларда қутлуғ калом.
Қўлимиз кўксимизда,
Сизга ўзбекча салом.

Бобохон қўл ушлашинг,
Бизлар билан куйлашинг.
Фақат-чи, совғаларни.
Ўз вақтида улашинг!

Йил бўйи кутдик сизни,
Соғинтирмангда бизни.
Келинг ҳар янги йилда,
Олиб кўк арчамизни.

Қорбобожон, қорбобом,
Келар янги йил бобом.
Юзларида нури бор,
Соқоллари мўл бобом!

ТЕЛЕФОН

Болаларга

У жуда яхши дастёр,
Кўчада ҳам уйда бор.
Ёмон болага ўхшаб.
Симини узманг зинхор
Ўшёрликдан айтай роз,
Фалокатлар бўлсин оз.
Шошилинич рақамларни
Ким билса ҳам жуда соз.

Ёлғиз қолса шўх Нодир,
Шум ишларга у қодир.
Гугуртни топиб олса.
Ёнғинни қилар содир.
Қора тутун чиқса бил,
Ўзингни сергак тутгил.
Кўтарилса аланга
“01” га телефон қил!

Тортиб ҳайбатли наъра.
Кўчани тўлдириб, қара,
Олов йўлин тўсгани
Қизил мошин учара.
Узун нарвони тайёр,
Сув сочар ичаги бор.
Қасқон кийган акамик
Қўрқмас, элга хизматкор.

Ёнғин чиққанда демак,
“01” ни термоқ керак!

Кўринса ёмон одам,
Яқинлашма, қоч ҳар дам.
Безорилик, ўғрилиқ,
Қилган тортар жазо ҳам.
Мард бўлай десанг токи,
Қонунни бузса кимки.

Милицияга қил телефон,
Бил, рақами “02”!

Чироғи ёниб – ўчар,
Сигнали хушёр этар.
Пиёниста, қаллобни
Бир зумда олиб кетар.
Тунов кун кичик Боқи
Йўқолиб қопти, чакки.
Топиб, уйга қайтарди
Жасур миршаб амаки.

Милиция билан тинч юрт,
“02” ни ёдда тут!

Соғлигимиз посбони,
Болалар меҳрибони.
Чин дўхтирлар бемордан
Аямас ҳатто жонни.
Оғриб қолганда одам,
Унга керак “Тез ёрдам”.
Телефон қилсанг “03” га
Етиб келар ўша дам.

Чанада учди Дилфуз,
Сўнг оғзига солди муз.
Терлаб, ечди қалпоғин
Иситма нақ бўлди “юз”.
“Тез ёрдам келди дарҳол,
“Жик” этиб қилди укол.
Дўхтир опа кўп раҳмат.
Яхшидир энди аҳвол.

Ким касал бўлса, хуллас,
“03” га айтсангиз бас!

Билдингиз бирин – кетин,
Телефоннинг хизматин.
Узокни қилар яқин,
Қилинг унинг иззатин.
Халқ мулкини асранг чин,
Ўтасин барча бурчин.
Буюк Ўзбекистоннинг,
Соғлом авлоди учун.

ЙЎҚЛОВ

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур
таваллуд кунига бағишлов.
(Ўсмирлар учун қўшиқ)

Олганимда мозийдан сабоқ,
Юрагимга тушганда титроқ.
Ёлғонлардан тўкилиб тарих,
Сочилганда кўзимга тупроқ.
Сизни кўп бор йўқладим бобо,
Сизни кўп бор чорладим бобо.
Темур бобом – шарафим – шоним,
Амир бобом – алам – армоним.

Парча бўлди сизнинг салтанат,
Оға инин бошин узди шарт.
Бир қилолмай элу юртини,
Кетиб қолса андижонлик мард
Сизни кўп бор йўқладим бобо,
Сизни кўп бор чорладим бобо.
Темур бобом – шарафим – шоним,
Амир бобом – алам – армоним.

Мард қолмади Туронда гўё,
Ўрисга бас келмади, зеро.
Ахир кофир Тошканни олса,
Қўқонини босди Бухоро.
Шунда сизни йўқладик бобо,
Шунда сизни чорладик бобо.
Темур бобом – шарафим – шоним,
Амир бобом – алам – армоним.

Ажаб бўлди шўро замони,
Фикримиздан олди маънони.
Ҳурриятдан эртаклар айтиб,
Забт этганда тилни, имонни
Сизни кўп бор йўқладик бобо.
Сизни кўп бор чорладик бобо.
Темур бобом – шарафим – шоним,
Амир бобом – алам – армоним.

Истиклолдан бўлдик сарафроз,
Қадамига жоним пояндоз.
Ахир мана хиёбон ичра,

Кўр тўкмоқда улуғ чавондоз.
Озод элни йўқлаган бобо,
Курашларга чорлаган бобо.
Темур бобом – шарафим – шоним,
Амир бобом – алам – армоним.

Мундарижа

Ростакам шоирдай мен ҳам тунлари.....	3
Ватанни англаган дамлар.....	4
Юрак билан сўзлашув.....	5
Йилларим.....	6
Илҳом.....	7
Менинг куним.....	8
Кўнгил ҳаловат истайди бирам.....	9
Севги тарихи.....	10
Шавкат Раҳмон хотирасига.....	11
Кўзларингдан муаллақ хайрат.....	12
Юртга ёққан олди қор билан.....	13
Жуда ғариб юртимнинг қиши.....	14
Мукофот.....	15
Айрилар ғафлатдан толган киприклар.....	16
Соғинч.....	17
Йўқ-йўқ эшитмадинг хаёлга ботиб.....	18
Отма тонг ҳаргиз бу дамда саодатли бўлди тун.....	19
Юрак аҳволини маълум қилади.....	20
Кетиб бораётир имкон ва журъат.....	23
Қозикнинг ўртадан синмоғи қизиқ.....	24
Шоирлик.....	25
Стадионда.....	26
Одамлар югуриб, елишиб.....	27
Ўзбекнинг ҳикмати, русумлари кўп.....	28
Сурат.....	29
Кўзларингни яширгин мендан.....	30
Менинг уруш ва тинчлик ҳақидаги шеърим.....	31
Қора хат.....	32
Уруш ҳақида сатрлар.....	33
Раққосага.....	34
Умар хайёмга назиралар.....	35
Тор кеп қолар бирдан ишхонам.....	37
Мозорлардан бошланар баҳор.....	38
Ёмғирда.....	39
Манзара.....	41
Қўшиқ.....	42
Модильяни.....	43
Тоғлар билан хайрлашув.....	44
Кўр мукаччининг шеъри.....	45
Шом кайфияти.....	46
Ҳолат.....	47
Сафарбарлик.....	48
Портрет.....	49
Ўзбекистон мадҳияси.....	50
Она заминни рухсиз танам кучга.....	51
Жойнамоз.....	52
Мана энди йўқдир суратинг.....	53
Қишлоқ достони.....	54
Баҳорнинг оромбахш майин еллари.....	56
Уфққа қараганда бўламан асир.....	57

Дўстлар.....	58
Ярми ҳазил.....	59
Ҳисдай нозик ўспирин чоғим	60
Юзларингдан ўпиб қочдим мен.....	61
Авжга чиқар мусиқа.....	62
Самарқандда тун.....	63
Гапир дейман ва кулгин шўх-шўх.....	64
Мувашшаҳ.....	65
Еб қўйгудай бўлар мени бу дунё.....	66
Дардлар абас бўлди чамаси.....	67
Қайдлар.....	68
Хона.....	69
Қалбим.....	70

Шўролар босмаган шеърлардан...

Сиз зўр алплардан чиқдингиз зўрроқ.....	72
Сени деганларим бекордир, бекор.....	73
Мастона	74
Чет эллик меҳмонлар шарафига бериладиган зиёфатда	76
Ўзбеклар айтадиган қадах сўзи.....	77
Пахта кампаниясига чизгилар.....	78
Туш.....	79
Дил розин айт, дедим қаламга.....	80

Болаларга

Телефон	81
Қорбобо.....	82
Йўқлов.....	84